



Legal framework for combating corruption in Singapore

Sardor ABDULLAEV ¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2024
Received in revised form
15 April 2024
Accepted 25 April 2023
Available online
25 May 2024

Keywords:

fight against corruption,
comparativistics,
Singapore,
foreign experience,
criminal law.

ABSTRACT

This research paper focuses on analyzing Singapore's anti-corruption laws. It examines how the country formulates and implements its anti-corruption policy against the background of comparisons with regulations in other countries such as Hong Kong, the UK, and the US. The study applies general scientific methods including analysis, generalization, analogy, classification, and comparison, as well as systematic and historical-comparative approaches to delve deeply into the topic. The paper identifies the main criminal law provisions and trends in the activities of public and private structures in the fight against corruption. The shortcomings in Singapore's anti-corruption policies as identified by Transparency International experts are also highlighted. The results are presented using a comparativist approach, which adds scientific novelty to the analysis of the legal framework of anti-corruption in the region.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss4/S-pp112-120>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари

Калит сўзлар:

коррупцияга қарши
кураш,
қиёсий тадқиқотлар,
Сингапур,
хорижий тажриба,
жиноят ҳуқуқи.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Сингапурдаги коррупцияга қарши қонунчиликни таҳлил қилишга қаратилган. Муалиф Гонконг, Буюк Британия ва АҚШ каби бошқа мамлакатлардаги қонунчилиги билан таққослаш фонида Сингапур мамлакатида коррупцияга қарши сиёсатини қандай шакллантираётгани ва амалга ошираётганини ўрганади. Тадқиқот мавзунини чуқур ўрганиш учун умумий илмий усуллар, жумладан таҳлил, синтез, аналогия, таснифлаш ва таққослаш, шунингдек, тизимли ва тарихий-қиёсий ёндашувларни қўллайди. Мақолада давлат ва

¹ Independent applicant, Tashkent State University of Law

хусусий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашдаги фаолиятининг асосий жинойт-ҳуқуқий нормалари ва тенденциялари очиб берилган. Шунингдек, Transparency International экспертлари томонидан аниқланган Сингапурнинг коррупцияга қарши сиёсатидаги камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтади. Натижалар қиёсий ёндашувдан фойдаланган ҳолда тақдим этилган бўлиб, бу минтақада коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишга илмий янгилик киритади.

Правовая основа борьбы с коррупцией в Сингапуре

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:
противодействие
коррупции,
компаративистика,
Сингапур,
зарубежный опыт,
уголовное право.

Эта исследовательская работа фокусируется на анализе антикоррупционного законодательства Сингапура. Она изучает, как страна формирует и реализует свою антикоррупционную политику на фоне сравнения с нормативно-правовыми актами других стран, таких как Гонконг, Великобритания и США. Исследование применяет общенаучные методы, включая анализ, обобщение, аналогию, классификацию и сравнение, а также системный и историко-сравнительный подходы, чтобы глубоко погрузиться в тему. Работа выявляет основные уголовно-правовые предписания и тенденции в деятельности государственных и частных структур в борьбе с коррупцией. Также освещаются недостатки в антикоррупционной политике Сингапура, указанные экспертами Transparency International. Результаты представлены с использованием компаративистского подхода, что добавляет научную новизну к анализу правовых основ противодействия коррупции в регионе.

Коррупция муаммоси сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жинойт сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу ҳисобланади. Ҳатто, айрим сиёсатчилар томонидан коррупцияга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилади. Transparency International ташкилотининг ҳисоботида кўра, Сингапур давлати дунёда энг кам коррупция содир этиладиган мамлакатлар *бешлигига* кирган *Осиёнинг ягона давлати* ҳисобланади. Сингапур асосчиси Ли Куан Ю даврида мамлакат коррупциядан халос бўлишга ва минтақадаги етакчи давлатлардан бирига айланишга эришди.

Ли Куан Ю мамлакатга Бош Вазир этиб тайинланишидан олдин коррупцияга қарши кураш бошлаган биринчи ҳукумат қатор муаммоларга дуч келди. Хусусан, ўтган асрнинг 50–60 йилларда Сингапур қоқоқ худуд бўлиб, бу ерда коррупциянинг турли кўринишлари авж олганди. Ли Куан Юнинг таъкидлашича, барча тармоқларда порахўрлик ва непотизм ривожланиб кетган эди. Масалан, турли мансаб лавозимларига тайинланишда қариндош-уруғчилик, турли хил ташкилотлар ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви, экспорт-импорт

департаменти ташқи савдо операцияларини тезлаштириш учун пора олиш ҳолатлари, марказий таъминот хизмати эса манфаатдор шахсларга маълум ҳақ эвазига ўтказилиши режалаштирилаётган тендерлар ҳақида маълумот бериб уларни тендерда ютиши учун барча шароитларни яратиб бериш ва шу каби ҳолатлар жуда ҳам мамлакат бўйлаб кенг тарқалган эди. Шу даврда коррупцияга қарши курашни тартибга солувчи қонунлар ўз самарадорлиги жуда ҳам паст даражада бўлган.

Сингапурда коррупцияга қарши кураш ташаббускори ва ташкилотчиси собиқ бош вазир Ли Куан Ю даврида юқори натижага эришилди.

У ўз даврида, “Коррупцияни тўхтатиб қолишнинг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганларича ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтиришда”, деган эди. Шу мақсадда, у ҳокимиятга келган давриданок бюджетга тушадиган ҳар бир долларнинг ҳисобга олиниши ва унинг зарур одамларга тўлиқ етиб боришини таъминлашга эришади. Сингапурда ҳокимият ваколатларининг шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш имкони бўлган фаолият турлари устидан назорат кучайтирилади. Ушбу жараён устидан назоратни олиб бориш ва коррупцияга қарши курашувчи асосий орган сифатида коррупциявий жиноятларни тергов қилиш Бюроси танланади. Унинг асосий эътибори олий ҳокимият идораларида йирик порахўрлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳисобланади.

Бош вазир Ли Куан Ю нинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати бу миллий кадриятларга амал қилишдан ҳам кўра кўпроқ барқарор ривожланиш заруриятига асосланган эди. Шунингдек, шахсни коррупцион хатти-ҳаракатларга ундаш учун ҳам рағбат, ҳам имконият яратадиган шароитларни минималлаштириш ва йўқ қилиш истагига асосланган.

Бунга коррупцияга қарши курашнинг бир қатор тамойиллари орқали эришилади:

Биринчидан, хусусий секторда муваффақиятли ишлаётган шахсларнинг ўртача иш ҳақиға боғлиқ бўлган формула бўйича давлат хизматчиларига ҳақ тўлаш;

Иккинчидан, давлат мансабдор шахсларининг ҳар йили ўз мол-мулки, мол-мулки ва қарзлари тўғрисида ҳисобот беришлари, давлат органлари эса “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонунни бузганликда гумон қилинган шахсларнинг исталган банк, аксиядорлик ва ҳисобварақларини текшириш ҳуқуқига ега эканлиги,

Учинчидан, иқтисодий ривожланиш йўлидаги кераксиз маъмурий тўсиқларни бартараф етиш.

Тўртинчидан, хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилиш учун уларни нотўғри мақсадларда фойдаланиш имкониятини йўққа чиқариш.

Бешинчидан, коррупцияга сабаб бўладиган омилларни камайтириш билан бирга *давлат хизматчилари ва фуқароларнинг* коррупциявий жиноятларга қарши курашиш *маданиятини ошириш бўйича тушунтириш ишлари фаол* амалга ошириш

Олтинчидан, ҳукумат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида “кўприк” вазифасини бажарувчи жамоатчилик назоратининг ривожлантириш.

Коррупция муаммосини ечиш учун, Сингапурда вазирлар ва бошқа амалдорлар ва ходимларнинг ойлик маоши хусусий сектордаги компания ва ташкилотлар раҳбарлари маоши даражасигача кўтарилган. Хусусий секторда

раҳбар ва ходимлар даромади ошиб бориши баробарида, параллел равишда, давлат хизматчилари ойликлари ҳам кўтарилиб борилган. Хатто, 1990 йилларда мансабдор шахсларнинг йиллик маоши **1 млн АҚШ** долларига етказилган. Бу билан иккита мақсадга эришилади: биринчидан, амалдорларнинг пора олишига сабаб қолдирмаслик бўлса, иккинчи томондан хусусий секторда кўп даромад топадиган билимли шахсларни давлат хизматига жалб қилиш имкони пайдо бўлади. Аммо, фақатгина катта маош тайинлаш билан коррупцияни оддини олиш қийин. Шу сабабли ҳам, мамлакатда жазо чоралари ҳаддан ташқари кучайтирилган, бу ҳолат учун қатъий молиявий, маъмурий ва жиноий жазолар белгиланган. Бу орқали эса давлат идораларига етук кадрларни етиштириб берувчи мураккаб ва мукамал механизм яратилган.

Сингапурда давлат хизматчисига ойлик маоши 60+40 шаклида белгиланади. Яъни маошнинг 40 фоизи ходимнинг иш унумига қараб тўланади. Ишида унум бўлмаса, деярли тенг ярмини ололмайди. Агар бундай ҳолат давом этаверса, у лавозимидан озод этилади.

Бундан тақшари, 1960 йилда янги таҳрирдаги Коррупцияга қарши кураш бўйича қонун қабул қилиниб, коррупцияви жиноятларни тергов қилувчи терговчиларга кенг ваколатлар берилди. Хусусан, гумонланувчига оид солиқ маълумотлари ҳеч қандай чекловларсиз тақдим этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, пора тушунчасига аниқ таъриф берилади: унга кўра, пора деганда моддий қийматга эга ҳар қандай ноз-неъмат ва совғалар тушунилиши белгиланади.

Сингапур давлатининг собиқ Бош Вазири: “Лавозимига тайинлангандан сўнг менда иккита йўл бор эди, биринчиси давлат мулкани ўғирлаш ва дўстларим ҳамда қариндошларимини “Форбс” рўйхатига киритиш, бу билан халқимни қуруқ ерда қолдириш. Иккинчиси эса, халқимга хизмат қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг яхши давлатлар ўнлигига киритиш. Мен иккинчисини танладим” деган фикрларини айтиб ўтган. Бунинг натижасида, коррупциявий жиноят содир этган ҳар қандай шахсга, унинг ижтимоий келиб чиқиш ва мавқеидан қатъий назар жазо муқаррар бўлган. Шунингдек, Ли Куан Ю нинг баъзи яқин қариндошлари ва дўстлари ҳам коррупцияда айбланиб жазога тортилган.

Шунингдек, Коррупцияни чеклаш ва минимал даражага тушириш учун, бир томондан, *сиёсий ирода* талаб этилса, иккинчи томондан, бу курашга жамоатчиликни жалб этиш, яъни *жамоатчилик назоратини кучайтириш* лозим бўлади. Сингапур коррупцияга қарши қонунчилигида қайд этилишича, иштирокчи ҳукумат коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамият иштирокига ёрдам берадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Сингапур Конституциясида фуқароларга давлат хизматчилари томонидан қонун ёки хизмат бурчини бузганликлари ҳақида тегишли органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган, коррупция ҳолатлари ҳақида аноним равишда хабар бериш мумкин бўлган расмий мобил илова ишлаб чиқилган. Шунингдек, коррупцияга қарши кураш Бюросининг www.crib.gov.sg сайтида, ўз лавозимини суиистеъмол қилган ва коррупцион жиноятларни содир этган шахсларнинг расимлари ва улар тўғрисидаги маълумотлар 3 йилгача сақланиб туради туради.

Бундан ташқари, “Сингапур қонунчилиги устидан жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунда аҳоли томонидан амалга ошириладиган турли жамоатчилик назорати шакллари ишлаб чиқилган. Хусусан,

давлат органларининг йиғилишларида қатнашиш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича давлат органларига таклифлар киритиш, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик фикрини ўрганиш, референдумларда иштирок этиш ва петициялар орқали мурожаат қилиш шаклларида мустаҳкамланган.

Мамлакатда, давлат хизматларида инсон омилларини камайтириш, яъни давлат хизматчиси билан фуқаронинг бевосита алоқасига йўл қўймаслик мақсадида давлат органлари фаолиятида рақамлаштириш, роботлашган электрон тизимлардан фойдаланиш, турли давлат органларининг электрон тизимларини ўзаро интеграция қилиш, онлайн назорат, нақд пул тўловларини камайтириш усуллари кенг қўлланилиб келинмоқда. Давлат органлари билан муносабатларда рақамли технологияларни жорий этиш ахборот танқислигини камайтириш, жараёнларни автоматлаштириш, давлат хизматчилари ва воситачилар томонидан миннатдорлик чегарасини чекланиши каби натижалари билан коррупциянинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Сингапурда коррупцияга қарши курашиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи, ижроси каттиқ таъминланган қонунлар мавжуд.

Мисол тариқасида, *“Коррупцияни олдини олиш ва огоҳлантириш тўғрисида”ги Қонуни 1960 йилда кучга кирган (янги таҳрирда 2007.й) Сингапурнинг коррупцияга қарши асосий қонун ҳужжати бўлиб, Сингапурнинг коррупцияга қарши курашидаги асосий устунлардан бири ҳисоблаади. Қонуннинг 5-моддасига кўра, шахс ўзи ёки бошқалар билан ҳамкорликда пора берганда, ўзи ёки бошқа шахс учун ҳар қандай мукофотни олишга рози бўлса, қонунга хилоф равишда бирон-бир шахсга ҳар қандай мукофот берса, ваъда қилса ёки таклиф қилса, коррупцияда айбдор деб топилади.*

Қонуннинг 6-моддасига кўра, агар шахс қонунга хилоф равишда мукофотни қабул қилса, ёки қабул қилишга рози бўлса, ёки бирор бир шахснинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилса, кимнингдир манфаатларига ҳомийлик қилса, коррупциялашган ҳаркат содир этган деб топилади.

Қонуннинг 5-6 моддалари исботланган бўлса, олинган порага тенг равишда (100 минг доллардан ошмайдиган миқдорда) жарима тўлашга ҳамда 5 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Агар белгиланган жаримани тўлашдан бош тортса, жазо оғирроғи билан алмаштирилади.

Шунингдек, қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, Бюро директори ёки бошқа ваколатли мансабдор шахсларни биноларга киришга ёки тинтув ўтказишга йўл қўймаслик мансабдор шахсга қонунда белгиланган ваколатли ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ҳамда Бюро ходимига тегишли бўлган ва талаб қилиниши мумкин бўлган маълумотларни яшириш, жиноят деб топилади ва 10 000 АҚШ долларидан ошмайдиган миқдорда жарима ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ҳар иккаласи ҳам жазо сифатида тайинланади.

Бундан ташқари қонунда, коррупция ҳолати ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларнинг шахсини ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган. Шу билан бирга, Қонунида мансабдор шахсларнинг ноҳўя хатти – ҳаракатлари устидан хабар берган шахсларга нисбатан хабарни қабул қилиб олган орган томонидан моддий тақдирлаш масаласи назарда тутилган. Шунингдек, *“Жиноят гувоҳларини ҳимояси тўғрисида”ги Қонунига асосан, гувоҳларни ҳимоя қилишнинг шахсини ўзгартириш,*

яшаш ва иш жойини ўзгартириш, пул мукофотлари билан таъминлаш, иш ва ўқиш жойи ўзгарганлиги муносабати билан бошқа ташкилотларда ўқиш ёки ишлашини таъминлаш чоралари қўлланилади.

Қонун, Бюрога коррупция ва тергов жараёнида аниқланадиган бошқа жиноятларни текшириш ваколатини ҳам беради. Ушбу қонун Бюро ходимларига шунингдек, коррупция жинояти содир этилганлиги тўғрисида ишончли маълумот ёки асосли шубҳа мавжуд бўлса, ҳибсга олиш, биноларни тафтиш қилиш ёки далилларни ордерсиз олиш ҳуқуқини беради. Мазкур норматив ҳужжат, коррупцияга қарши курашиш органи фаолиятини тартибга солиш билан бир қаторда “коррупция учун мукофот” тушунчасини ҳам белгилайди.

Қонунга мувофиқ мукофотлар турли шаклларда бўлади ва қуйидагиларни ўз ичига олади.

– Пул ёки ҳар қандай совғалар, йиғимлар, кредитлар, комиссиялар, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки ҳар қандай шахсий кўчар ёки кўчмас мулклар ва улардаги манфаатлар;

– Ҳар қандай лавозим, иш ёки шартнома;

– Ҳар қандай қарз, мажбурият ва бошқа қарзлар бўйича қарзни тўлиқ ёки қисман тўлаш, қарздан озод қилиш ва қайтариш;

– Мавжуд ёки кутилаётган ҳар қандай жарима, тўлов ва интозомий жазолардан озод қилиш ҳамда ҳар қандай мажбурият ва вазифалар бажарилмаганда ҳеч қандай жазо чораларини кўрмаслик.

Қонуннинг 8-бўлимига кўра, ҳукумат мансабдор шахсининг, ҳар қандай давлат идорасин ёки жамоат ташкилотининг айбдорлик презумициясини назарда тутди. Ҳукумат билан алоқага киришмоқчи бўлган шахсдан мансабдор шахс томонидан олинган ҳар қандай мукофот, унинг акси исботланмагунча рағбатлантириш ёки мукофот сифатида олинган пора ҳисобланади. Суд жараёнида мансабдор шахс олинган мукофотни коррупцион схеманинг бир қисми сифатида олинмаганлигини исботлаши шарт.

Шунингдек, 1989 йилда “Коррупциядан олинган фойдаларни мусодара қилишни таъминлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қонунга кўра, суд органларига коррупцияда айбланаётган шахс келиб чиқишини аниқ тушунтира олмайдиган мулк ва маблағларни мусодара қилиш ҳуқуқини беради. Судланувчи вафот етган тақдирда суд унинг мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, 1955 йил 28 январда, Сингапур Жиноят кодекси қабул қилинган. (2010 й охирига ўзгартириш). Мазкур кодексида ҳам давлат мансабдор шахсларига пора бериш билан боғлиқ қоидалар 161 ва 165 моддаларида белгилаб қўйилган.

Ушбу қоидалар қуйидаги ҳолларда қўлланилади: агар давлат хизматчиси расмий ҳаракатни содир этиш учун қонуний бўлмаган совғаларни қабул қилса; шахс давлат мансабдор шахсига таъсир кўрсатиш мақсадида, коррупцион ёки бошқа ноқонуний тарзда мукофотни қабул қилган бўлса; агар шахс давлат хизматчисига шахсий таъсир кўрсатганлиги учун ҳақ олса; давлат хизматчиси томонидан юқорида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этишга ундаш бўлса, қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Сўнгги йилларда бухгалтерия ҳисоби шаклларида нотўғри маълумотлар тақдим этадиган компаниялар каби қимматли қоғозлар ва фючерс қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ жиноятлар ва ҳолатлар кўпая бошлади. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш қонунчилигида коррупцияга қарши курашиш учун ишлаб чиқилган хусусий секторга хос бўлган бир қанча қоидалар мавжуд. Хусусий сектордаги коррупция одатда ноқонуний комиссияларни тўлаш ёки қабул қилишни ўз ичига олади, баъзи ҳолларда бу жуда катта миқдорда бўлиши ҳам мумкин. Ушбу турдаги коррупцияга қарши курашиш учун компаниялар ўзларининг ҳисоблари, аудитлари, молиявий ҳисоботлари ва корпоратив бошқарувни ошкор қилишлари керак. Рўйхатга олинган компанияларнинг ҳисоботлари жамоатчиликка тақдим этилади.

Сигапурда 1995 йилда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, коррупцияга қарши курашишнинг муҳим хусусиятларидан бири, давлат харидларини амалга ошириш бўйича молиявий органларнинг аниқ қоидалари ва стандарт кўрсатмаларининг мавжудлиги ҳисобланади. Махсус электрон портали (**GeBIZ: government e-procurement system in Singapore**) орқали буюртмачилар томонидан жойлаштирилган эълонлар бўйича талабгорлар томонидан тақдим этилган маълумотларни, жумладан харид комиссияси таркиби билан талабгорнинг раҳбари, таъсисчилари, бошқа иштирокчилар маълумотларини киритиш, товарнинг хусусиятидан келиб чиқиб шартномани автоматик тарзда сунъий интелект тузади.

Шунингдек, Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашишда давлатнинг товар-хонаси бўйича давлат харидларини амалга оширишда барча жараёнларда жамоатчилик назорати (иштирок этувчилар, ҳамда уларнинг **IP-манзилларини** кузатиш) ўрнатилган. Давлат харидларини амалга оширишда инсон омиллини минамал даражада камайтириш мақсадида сунъий интелектнинг қўлланилиши давлат харидларидаги коррупцион ҳолатларнинг олдини олади. Бу эса, бизнес ва ташкилотларда коррупцион қонун бузилиш ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради. Ҳисоб китобларнинг аниқ юритилиши ва мунтазам текширувлар ҳам коррупциянинг олдини олишнинг яхши усуллари сифатида намоён бўлади.

Сингапурда ходимлар ва иш берувчилар ўртасида коррупциявий омиллар учрашига йўл қўймаслик мақсадида “Давлат хизматчиси кодекси” ишлаб чиқилган. Ушбу кодекс нормаларига амал қилиш барча давлат хизматчилари иш фаолиятининг асосий шарти ҳисобланиб, ҳалоллик, ҳақгўйлик, объективлик ва холислик тамойилларига асосланган. Ушбу кодексга кўра, давлат хизматчилари адолатли ва очиқ рақобат асосида лавозимга тайинланиши ҳамда давлат хизматчиларидан кутилаётган хулқ-атвор стандартларини белгилайди.

Кодексда, давлат хизматчиларидан талаб қилинадиган бир қатор **хулқ-атвор стандартлари ва мажбуриятлари** келтириб ўтилган.

– Хусусан, давлат хизматчиси, ўз бурчини масъулият билан бажариш керак эканлиги;

– Давлат хизматчиси коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ҳақида хабар бериши шарт эканлиги;

– Фуқароларни ишончига қозониш мақсадида ҳар доим профессионал тарзда ўзига юклатилган вазифаларни бажаришга ҳаракат қилиш керак эканлиги;

– Давлат пулларини ва бошқа ресурсларни тўғри ва самарали фойдаланилишига ишонч хосил қилиш кераклиги;

– Фуқароларининг мурожаатларини адолатли, самарали ва тезкорлик билан ҳал қилиш ҳамда улар билан муомала маданиятига мувофиқ алоқа олиб бориш,

– Расмий ҳажжатларни тўғри юритиш ва қонун доирасида маълумотлар билан имкон қадар очиқ муомала қилиш ва қонунларга риоя қилиш ҳамда одил судловни қўллаб-қуватллаш каби хулқ-атвор мажбуриятини бажариши шарт эканлиги белгилаб қўйилган;

– Муайян ҳаракатнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда, раҳбар билан маслаҳатлашиш шарт эканлиги.

– Бундан ташқари, кодексда давлат хизматчиси ўз вазифасини бажараётган вақтда унга **тақиқланган** хатти-ҳаракатлар ва бу ҳаракатларни содир этганлик учун ҳам жавобгарлик мавжуд.

– Мансабдор шахс билан иш олиб борадиган ҳар қандай шахсдан шахсий масалаларда (транспортда ёрдам бериш, реконструкция қилиш) бепул хизматлар таклифига рози бўлиш, жисмой ва юридик шахслар ҳисобидан хизмат сафарига ёки хорижий сафарга бориш;

– Давлат хизматчилари учун тадбиркорлик билан шахсан ёки бошқалар орқали шуғулланиш, хусусан, давлат хизматчиси ўзи ёки бошқалар орқали ишлаб чиқариш, товарлар ва бошқа маҳсулотларни сотиш фойда олш мақсадида ишларни бажариш ёки пулли хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш;

– Давлат хизматчиси томонидагн совғала, кечки овқатга таклифномалар ва шу каби меҳмондўстликларни қабул қилиш ёки ўзининг шахсий фикрини ёки ҳалоллигини бузиши мумкин бўлган бошқа имтиёزلардан фойдаланиш;

– Вазирларни, парламент аъзоларини ва бошқа мансабдор шахсларни алдаш ёки била туриб чалғитиш;

– Ҳукуматга зарар ҳаракатларни бажаришга кўмак бериш, масалан, этказиб берувчига шартнома бўшлиқларидан қандай фойдаланиш бўйича маслаҳат бериш;

– Расмий маълумотларни ваколатсиз ошкор қилиш (бу мажбурият давлат хизматидан кетганидан кейин ҳам амал қилади) каби ҳаракатларни тартибга солиб турувчи нормалар “Давлат хизматчиси тўғрисида”ги кодексда белгиланган.

Кодекс қоидаларига кўра, барча вазирлик ходимлари ўз фаолиятида манфаатлар тўқнашувига дуч келганлиги ёхуд совға-салом олган ёки олмаганлигидан қатъий назар ҳар 6 ойда электрон декларацияни тўлдириши лозим. Ўз навбатида декларация тўлдирилиши биланоқ ташкилот раҳбари автоматик равишда хабардор қилинади ва раҳбарлар 5 иш кунида декларация маълумотларини кўриб чиқиши ҳамда тегишли чораларни кўриши жоиз.

Кодексга кўра, давлат хизматида кадрларни қабул қилиш меритократия принципи асосида амалга оширилиб, давлат хизматида бир-бирлари билан ҳеч қандай алоқаси (оилавий, курсдошлик, дўстлик ва ҳоказо) бўлмаган шахслар қабул қилиши белгилаб қўйилган.. Шу билна бирга собиқ вазир ёки давлат органларида юқори мансабларни эгаллаган шахслар пенсияга чиққанларидан сўнг, 3 йил муддат ўтгунига қадар хусусий компанияларда юқори лавозимларда (ижрочи директор, менежер ва ҳоказо) ишлаши тақиқланади. Нафақага чиққандан сўнг шахслар белгиланган муддат ичида хусусий секторда ишлаш ёки тадбиркорлик фаолияти

билан шуғулланиш учун Ҳукуматдан рухсат олиши талаб этилади. Акс ҳолда, уларнинг хатти-ҳаракатлари коррупцион ҳолат сифатида баҳоланади.

Шунингдек, “Давлат хизматчиси” кодексига асосан, барча мансабдор шахслар ҳамда уларнинг оила аъзолари ўзларининг моддий ва номоддий мулклари тўғрисидаги маълумотларни ва ташкилотлардаги улушлари ёки уларга алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотларни улар белгиланган кўрсаткичлардан ортган қийматликларни декларацияда кўрсатишлари лозим. Коррупциявий жиноятларни тергов қилиш Бюроси терговчилари давлат хизматчиси ўзининг амалдаги ва илгариги эгаллаб турган лавозимига кўра эга бўлиши мумкин бўлган даражадан ортиқча бўлган ҳар қандай мулкка эгалик қилаётганлиги ёки шундай мулкни бошқараётганлиги ҳақида асосли гумонга эга бўлса, ўз ёзма кўрсатмаси орқали ушбу мулкнинг манбасини кўрсатишни талаб қилиш ваколатига эга.

Юқоридаги қонунлар, барча ташкилотларга (ҳам хусусий, ҳам давлат ташкилотларига) ҳалол ва виждонан фаолият юритишларини тартибга солиб туради ҳамда Сингапур давлатининг коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Transparency Index of Singapore 2023. URL:<https://www.transparency.singapore.org>.
2. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш стратегияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2021. – Б. 39.
3. Ли Куан Ю. Сингапурская история: из третьего мира в первый. М.: Изд-во МГИМО МИД России, 2005.
4. Опыт борьбы с коррупцией в Сингапуре Лечение «заразной жадности»: А.Сиротин.- Москва, 2010.
5. Law “On the Prevention of Corruption”: -Singapore, 02.06.2010.
6. Criminal Code of Singapore: -2010
7. “Нормативно-правовой и управленческий опыт Сингапура в противодействии коррупции”: Вейберт С.И.- Москва, 2014,
8. Антикоррупционное законодательство Сингапура: Тороков Д.А. – Хакасский государственный университет им. Н.Ф. Катанова
9. Law "On Public procurement" of Singapore. -2010
10. The Civil Service” code of Singapore. Updating version in(16 March 2015)